



2

**БУ ЮРТДА ШУНЧАКИ
ЯШАБ БЎЛМАЙДИ**



**ЎЗБЕКНИНГ
УСТА ЎғЛИ**

4



**ТЎҚҚИЗ
ОЙЛИК СИНОВ**

5



МУҲАББАТ САБОҚЛАРИ

6

ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!



Муҳаммад КАРИМ
сурат-лавҳаси.

Неваралар шошириб қўйди, «вазир»ни юрсаммикан!

ГАЗЕТА САҲИФАЛАРИДА:

ФХДЁ никоҳни нега расмийлашгирмаяпти?	2
Сарабоғнинг фидойи одамлари	3
Хорижликнинг муҳаббати муддатли экан	7
Шовқиндан сокинлик афзал	7
Ўзингикидан қўямасин	8
Ўқитувчи қачон пенсияга чиқади?	8

ҲИКМАТ

Тўғрилиқдан
келмиш ҳамма
яхши от,
Эғрилиқдан фойда
кўрмади бир зот.
Фирдавсий

МУАММОЛАР ЕЧИМИ — ҲАМЖИХАТЛИКДА

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда фуқаролар йиғинларида аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, ижтимоий шериклик ва жамоатчилик назоратини кучайтириш масалаларига бағишланган видеомулоқот ўтказди.

Тадбирда Президентимизнинг 2009 йил 13 апрелдаги “Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлоднинг шакллантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ва 2009 йил 1 июлдаги “2009 — 2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида”ги қарорларининг ижроси юзасидан амалга оширилган ишлар таҳлил этилди.

Тадбирда сўзга чиққан Соғлиқни сақлаш вазири А.Алимов ва бошқалар мамлакатимизда Президентимиз ташаббуси билан ҳаётга кенг татбиқ этилаётган “Соғлом она — соғлом бола” тамойилига мувофиқ олиб борилаётган тизимли ишлар натижасида жойларда болалар ва ўсмирлар, балоғат ёшидаги қизлар, фертил ёшидаги аёллар, умуман аҳолини бепул тиббий кўриқдан ўтказиш, уларга зарур тиббий тавсиялар бериб бориш кенг йўлга қўйилгани, натижада жорий йилнинг ўтган етти ойи мобайнида республика бўйича оналар ва

гўдақлар ўлими ҳамда ўсмир ёшидагилар ўртасида туғруқлар камайишига эришилганини таъкидлаб ўтдилар.

Бу масъулиятли жараёнда Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан амалга оширилаётган бир қатор лойиҳалар ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Айниқса, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, “Нуроний”, “Соғлом авлод учун” жамғармалари ҳамкорлигида жорий йилнинг ўтган етти ойи мобайнида тиббий-ижтимоий патронаж хизматлари томонидан аҳолининг 70 минг нафардан кўпроқ қатлами тиббий кўриқдан ўтказилди. Ушбу жараёнда аниқланган беморлар амбулатор шариотида шифохоналарда соғломлаштирилмоқда.

Видеомулоқот давомида ушбу йўналиш бўйича амалга оширилган ижобий ишлар билан бир қаторда, мавжуд камчиликлар ҳам айтиб ўтилди.

Тадбир доирасида ўтган ҳафтада Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан Хоразм вилоятида фуқаролар йиғинларида жамоатчилик ва давлат идораларининг ҳамкорликда фаолиятини такомиллаштириш,

Видеомулоқот

ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, аҳоли бандлигини таъминлаш, 12 йиллик узлуксиз таълим тизимига ёшларни тўлиқ қамраб олиш борасидаги ишларни ташкил қилиш тизимини татбиқ этишга бағишлаб “Ватаним оstonаси маҳалламдан, оиламдан бошланади”, деб номланган форум тажрибаси юзасидан ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси саъй-ҳаракати билан жойларда йўлга қўйилган “Оилага кириш”, “Саломатлик”, “Таълим ва тарбия”, “Бандлик” ва “Хуқуқбузарлик профилактикаси” каби секторлар ишлари ҳам тўхталиб ўтилди. Мазкур сектор аъзолари — қишлоқ врачлик пунктлари, маҳалла маслаҳатчиси, хотин-қизлар кўмитасининг бошланғич ташкилоти раиси, меҳнат инспектори, профилактика нозирлари биргаликда оилаларга кириб бориб, кичик муаммолар катта зиддиятларга айланмаслиги учун уларнинг саломатлиги, ногирон болалар туғилиши, жиноятга қўл уриш сабаблари ва шунга ўхшаш салбий ҳолатларни ўрганиб чиқишди. Мана шундай ҳамкорликдаги тарғибот ишларининг кучайтирилиши натижасида маҳаллаларда юзага келиши мумкин бўлган кўплаб муаммоларнинг олди олинди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси Элмира Боситхонова сўзга чиқди.

Гулноза БОБОЕВА,
“Оила ва жамият” мухбири.

БУ ЗАМИНДА ШУНЧАКИ ЯШАБ БЎЛМАЙДИ

Наманган вилоятининг Чортоқ туманида жойлашган Ҳазратишоҳ қишлоғида фаолият олиб бораётган маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Муқаддамхон Оппоқова мустақиллигининг 22 йиллиги арафасида Президентимиз Фармони билан «Шухрат» медал билан тақдирланди.

Муқаддамхон опа узоқ йиллар мактабгача таълим муассасасида тарбиячи, услубчи ва мудир бўлиб ишлаган. 2004 йилда мамлакатимизда илк бор маҳалла фуқаролар йиғинлари қошида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозими жорий этилган, Ҳазратишоҳликлар ҳеч иккиланмай, бу масъулиятли вазифага Муқаддамхон Оппоқовани муносиб кўришди. Мана, тўққиз йилдан ошиб-дики, опа ўз ишини сирқидилдан адо этиб келяпти, маҳалладошларнинг сиддиқли, маслаҳаттўйига айланган.

— Юртбошимиз Фармони билан менга тақдим этилган медални қабул қилиб олаётганимда юрагим фаҳрга, ифтихорга тўлди, — дея ҳаяжонли лҳазалар ҳақида сўзлайди опа. — Бу эътибор юртимга, халқимга, маҳаллам ва маҳалладошларимга бўлган меҳримга қўшилиб, бутун жисминни куч-ғайрат, шижоатга тўлдирди. Шу кунгача ҳис қилган масъулиятимга ўн, балки юз ҳисса масъулият қўшди. Қишлоғимиз одамлари асосан боғдорчилик, деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланиди. Аёлларнинг ҳам ўзига яраша касб-кори, хунари бор. Улар ҳеч бўлмаганда, сигир соғиб, тирикчилигидан ортан сўт-қатикни сотиб, рўзгорга ҳисса қўшишади. Хотин-қизларимиз орасида юздан зиёд зиёли, олий маълумотлилар бор. Ўн нафар фермер ва хунармандлар маҳалладошларимиз ва ёшларни иш билан таъминлашга ёрдам беришяпти.

Дарвоқе, маҳаллада 2600 дан зиёд аҳоли истиқомат қилса, уларнинг 1330 нафари хотин-қизлар. 620 хўжалик 510 хонадонда ҳамжиҳат, тотув турмуш кечирмоқда.

— Оиладаги осойишталик, соғлом муҳит кўп жиҳатдан аёлга, унинг оқиллигига, уддабуронлигига, мулоҳаза-



Ифтихор

ятчилик, хуқуқбузарлик, оналар ва болалар ўлими, ногирон болалар туғилиши қайд этилмади. Бу ўз-ўзидан юзага келган ҳолат эмас, аксинча, йиғин мутасаддилари — маҳалла раиси Тўраҳўжа Султоновдан тортиб, бу ерда истиқомат қилаётган кўплаб отахон ва онахонлар, хотин-қизларнинг фаоллиги, изланиши, меҳнати, ҳаракати натижасидир.

Маслаҳатчи опанинг оиласига ҳамма ҳавас қилади. Турмуш ўртоғи Саидолим ака Тоиров билан икки ўғил, икки қизни камолга етказишди. Ҳозирги кунда қизларини турмушга узатишган. Бир-биридан ширин тўрт набира — оиланинг қувончи.

... Ҳазратишоҳдан қайтар эканмиз, кишиларни қайноқ меҳнат кучоғида қўрдиқ. Болга, ризққа тўлган боғ-роғлар, обод кўчалар, шинам уйлар, иморатлар маҳалла аҳлининг фаровон ва тўқ турмушидан сўзларди гўё. Сўхбат асосида Муқаддамхон опа Оппоқова айтган сўзлар ёдимизга келди: «Бу мўътабар заминда шунчакки яшаб бўлмайди, ёниб, жўшиб, ҳалол, одамларга наф келтириб яшасангинга, яшагандай бўласан». Бизнингча, бу эътирофга изоҳнинг ҳожати йўқ. Бу — юраги ҳаётнинг қадрини англаб ураётган чинакам ўзбек аёлининг қалб сўзлари.

Аҳмаджон АДАШЕВ,
журналист.

Жараён

ҚОНУНЛАР МОҲИЯТИНИ АНГЛАШ ЗАРУР

Ота-онамиз, дунё кўрган кексалар ҳар доим анъанага кўра, ёш келин-куёвга бахт тилар экан, кўшганингиз билан кўша харингллар, дея дуо қилади. Бу дуонинг замирида катта маъно ва мазмун бор, албатта. Зеро, комил инсон — ҳар томонлама фаровон, бекаму кўст оилада тарбия топади, улғаяди. Соғлом авлодни вояга етказиш, чиройли оилавий муҳитни шакллантириш давлатимиз сиёсатининг устувор масаласи бўлиб келмоқда.

Қизларнинг эрта турмуш қуриши ҳомиладорлик ва туғруқ вақтида ҳали вояга етмаган организм томонидан турли асоратларнинг келиб чиқиши билан бир қаторда бўлажак фарзанд ва ёш онанинг саломатлигига путур етказиб, айрим ҳолларда болаларнинг заиф ва ногирон туғилишига сабаб бўлмоқда. Шу боис балоғат ёшига етмаганлар ўртасидаги туғруқлар, эрта ва яқин хариндошлар ўртасидаги шаръий никоҳларнинг салбий оқибатлари ҳақида жойларда тушунириш ишлари олиб бориляпти.

ФХДЭ бўлимлари томонидан никоҳ ёшига етмаган йигит-қизларнинг никоҳларини қайд этиш ҳақидаги аризаларининг қайтарилиши ва бу борада мутасадди идора ходимлари билан биргаликда олиб борилган тушуниришларга қарамадан ҳалихану баъзи ота-оналарнинг фарзандларини эрта турмушга узатиш ҳаракатларига чек қўйишни пайсалга солаёттир. Ҳатто айрим чаласавод, тушунмаган “домла”лар томонидан балоғат ёшига етмаган, ФХДЭ бўлимида никоҳлари қайд этилмаган (аввалги никоҳдан ажрашган) фуқароларга шаръий никоҳ ўқилаётганини қандай тушуниш мумкин? Энг аянчлиси, ана шундай ноқонуний хатти-ҳаракатлар оқибатида ёлғиз оналар ва етим болалар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Бизни ташвишга солаётган жиҳати, айрим ҳолларда маҳалла фаоллари, кўни-кўшчилар ҳам қизларнинг эрта никоҳга узатилаётганлигини кўра била туриб, томошабин бўлиб эътибор бермаяпти. Масаланин яна бир муҳим томони, ФХДЭ бўлимларига никоҳи расмийлаштирилмаган, ҳатто туғиш ёшига етмаган аёллар томонидан фарзандига туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома олиш учун мурожаат қилиш ҳолатлари ҳам кузатиляпти.

Хулоса ўрнида шунни айтиш жоизки, жамиятнинг асосий таянчи ҳисобланган оиланинг мустаҳкам бўлиши учун ота-оналар, маҳаллақўй ва албатта давлат ташкилотларининг ўзаро баҳамжиҳат ҳаракат қилиши ўз самарасини беради. Қолаверса, фуқароларимизнинг амалдаги қонун ва қонуности ҳужжатларига риоя қилиши, уларнинг ҳам хуқуқий, ҳам тиббий маданиятини юксалтириб бориш билан бирга, амалдаги мавжуд қонунлар моҳиятини англаш маданиятини шаклланишига хизмат қилади.

Шаҳноза ИМОМОВА,
Марғилон шаҳар
ФХДЭ бўлими мудир.
Фаргона вилояти.

МЕҲР-ОҚИБАТЛИ ХОНАДОН

Пойтахтимизнинг Шайхонтохур туманига қарашли Янгиобод маҳалласи маслаҳатчиси Саодат Зупарова билан суҳбатни маҳалла биносида эмас, бирон ибратли хонадонда ўтказишга келишдик. Опа бизни уч қиз, бир ўғилни тарбиялаб вояга етказган Ҳабибулло ака ҳамда Соҳида опа Тожимухамедовалар оиласига бошлади.

— Бу ҳовлининг дарвозаси ҳамisha кўни-кўшнлар учун очик. Ҳабибулло ака маҳалламиз болаларига устозлик қилса, Соҳидахон ҳамширалик ортидан катта кичикнинг дуосини олиб келаяпти. Шу боис фарзандлари ҳам тарбияли бўлиб ўсишди, — дейди Саодат опа мамнунлик билан.

Ичкарига кирдик. Шинамгина ҳовли. Турмуш чоррахаларидаги муаммоларни энгиб, оқил фарзандлари ортидан дуо олиб бошлари осмонга етиб юрган бу икки инсонни гуруннга чорладик.

— Халқимизда “Қуш уясида кўрганини қилади”, деган гап бор, — дейди хонадон соҳиби Ҳабибулло ака. — Ўзимиз оилада беш фарзанд эдик. Отам раҳматли ўғилларидан олдин қизларини ўқитишга ҳаракат қиларди. Опаларимнинг барчаси олий маълумотли. Ота-онам бизга ҳеч қачон қаттиқ танбех бермасди. Лекин шомдан кейин кўчада юрмаслики талаб қилишарди. Овқатланиб бўлгач, ҳаммамиз китоб ўқишга тушардик. Дадам учтўрт сўм топган пулларини бизни илмли қилишга сарфлади. Уй-жой, ортикча молдавлат йиғишга қизиқмас эди. Уйимиз анча эскириб, йиқилдиган ҳолатга келиб қолганди. Бир куни “Дада, бошқаларга ўхшаб уйлариимизни янгилайлик. Ахир бу омонат-ку”,



десам, “Кўявер, ўғлим, бу дунёнинг ўзи омонат”, деб қулаб қўйдилар. “Бировга ҳақингни бермагин, аммо билорнинг ҳақини емагин”, деб ўргатардилар. Бизни илмга, ҳалолликка, тўғрилиқка ўргатганларини оиламизга қолдирган жуда катта мерос деб билламан. Ўзбекистон миллий университетидан ўқитувчиликдан кафедра мудир, доцент, кимё фанлари номзоди даражасига етдим. Талабаларни халқаро олимпиадаларда улкан муваффақиятларга эришиб келмоқда. Шогирдим Доғий Насриддинов 2009 йилда Бокуда ўтказилган Халқаро Менделеев олимпиадасида бронза медал билан қайтгач, университетимизга имтиҳонсиз қабул қилинди. Республика бўйича талабалар ўртасида ўтказиб келинаётган

кимё олимпиадасида уч йилдан буён ғолибликни қўлдан бермай келаяпти. Ўғлим Фатхулла ҳам кимё соҳасида изланиш олиб борапти. Отамдан олган сабоқларимни фарзандларим, шогирдларимга қўлаб келаяпман.

Уч қизимиз бирин-кетин дунёга келган эди. Улар улғайгани сайин онаси иккимиз ташвишга туша бошладик. “Булар эртага бир уйнинг бекаси бўлишди. Ҳозирдан оилага тайёрлаб боришимиз зарур”, деган ўй бизга тинчлик бермасди. Қиз бола билмли бўлиш билан бирга хунарли ҳам бўлса яхши экан. Ўшанда ўзимча бир тадбир ўйлаб топганман. Учта дафтарга уч қизимнинг исмини ёзиб, ишга кетишдан олдин уйга киравришга осиб қўяман. Қайтгач, қайси бири

кўп нарса тўқиган, тиккани ёки уй ишларини пухта қилиб бажарганини суриштираман ва шунга қараб баҳо қўяман. Қизларим “беш” баҳо олиш учун бири-биридан ўзишга ҳаракат қиларди. Эндиликда Саодат ўқитувчи, Шарофат кимёгар, Феруза хуқуқшунос бўлиб етишди. Ҳаммалари икки-уч нафар фарзанднинг оналари. Яхши бир хонадоннинг келинлари. Улар бекаму кўст ҳаёт кечирингиз, деб мақтанолмайман. Чунки келин бўлиб ўзга хонадонда яшашнинг ўзига яраша машаққатлари бор. Оила ҳар бир қиз учун имтиҳон. Бу гўшага тайёрларлик кўрмай, рўзгор юмушларини чала-чупла ўрганиб борганлар қийналади ёки йўл ўртасида қолиб кетади. Оллоҳга шуқр, уч қизимнинг бирортаси шу вақтгача кўз ёшини оқизиб келмади. Ҳамиша уйимизга хурсанд бўлиб, келиб кетишди.

— Яна бир ибратли оила ҳақида айтиб ўтмасам бўлмайди, — дейди Саодат опа суҳбатга қўшилиб. — Маҳалламизда “Устоз-шогирд” аънаси яхши йўлга қўйилган. Муаттархон Каримова попоп тўқш чехини ташкил этиб, қизларга ўз хунарини ўргатиб келаяпти.

Бу оиладаги қайнона-келин муносабатларига кўпчилик ҳавас қилади. Муаттархоннинг келини Камолахоннинг ҳам уч нафар ўғли бор. Баъзида ишдан қайтаётганимда Ҳабибулло аканинг хонадонидан фарзандлари учун китоб олиб кетаётганига кўзим тушиб қолади. Ҳамиша жонсарақ. Маҳалламизда мана шундай аҳил-иноқ кўшнлар кўпаяверсин, деб ният қиламан.

— “Оммавий маданият” ниқоби остида Фарбдан кириб келаётган турли ёт ғоялар кадрларимизга раҳна солаётгани ҳам бор гап, — дейди маҳалла хотин-қизлар кўмитаси бошланғич ташкилот раиси Инобат Турсунова. — Компьютер ўйинлари, телефонлардаги турли беҳаё фильмлар фарзандларимиз тарбиясига, кийиниш, муомала маданиятига ўз таъсирини кўрсатмай қолмади. Шу боис биз фаолиятимизни кўпроқ кекса авлод билан ёшларнинг бошини қовуштиришга қаратяпмиз. Маҳалламиз қошида ташкил этилган “Ораста қизлар” тўғарагининг 54 нафардан иборат фаолларига кадриятларимизни асрашни ўргатяпмиз. Бугун қизларнинг ўзи “Фалон кўчада эътиборга муҳтож қариялар бор экан, маҳаб олиб келсак яхши бўларди”, деган ташаббус билан чиқияпти.

Меҳр-оқибат, аҳиллик арзизмаган эътибордан бошланади. Қўшишга бир коса тансиқ таом илиниш ёки унинг боласига ўз фарзандидек эътибор билан қараш ҳам миллатимизга хос аъна. Биз мана шу кадриятларнинг тимсолини янгиободлик маҳалладошларда кўриб қувондик.

Нигора РАҲМОНОВА,
“Оила ва жамият”
муҳбири.

Бўстонлик туманининг энг юқори қисмида, тоғ ён бағрида жойлашган Сижжак қишлоғида мингга яқин хонадон мавжуд. Унда бир минг икки юз элликта оила бўлиб, тўрт мингга яқин аҳоли истиқомат қилмоқда.

— Қишлоғимизда учта фермер хўжалиги, 15 та дўкон, қишлоқ врачлик пункти ва битта мактаб фаолият юритмоқда, — дейди қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Лутфулло Турсунметов. — Мустақиллик байрами арафасида қувончларимиз қўшалоқ бўлди. Мактабни капитал таъмирдан чиқариб, болаларимиз ихтиёрига топширдик. ҚВПга берилган янги “Дамас” русумли автомашина узоғимизни яқин қиладиган бўлди. Ёгин-сочин кунларда лой, ёзда чангга ботиб турадиган таъмирталаб 6 километр йўл созланди. Қишлоғимизда яшаётган ҳар бир одам тоғлар каби пурвиқор ва танти. Аҳолимиз асосан чорвачилик ва деҳқончилик билан шуғулланади. Бир ҳаётини мисолни сизга айтмай, Хонбиби ая Гойипова деган тиним билмас онахонимиз ташаббус кўрсатиб, йўллар чеккасига мевали ва манзарали дарахтлар ўтказган эди. Бундан руҳланган қишлоқдошларимиз шу йил баҳорда яна 11 минг туп манзарали ва 18 минг туп мевали дарахт ниҳолларини қададик. Насиб этса, яна беш-олти йилдан сўнг бу жойлар ўрмонзорга айланади.

Гурун орасида Лутфулло акадан гайратли онахон билан учрашмоқни дилга тугиб қўйганимни айтдим. Ора-

дан кўп вақт ўтмади. Бир ҳовлига кириб бордик.

— 86 ёшга кирдим, — дейди Хонбиби момо. — Қишлоғимиздаги ўрмон хўжалигида қирқ йил ишладим. Бу кунларга етгунча қанчадан-қанча



заҳматлар чекмадик дейсиз. Асфальт йўл у ёқда турсин, ҳатто бир маҳаллар бу ерда тўғри йўлнинг ўзи йўқ эди. Қиз-жувлар қишнинг куниди эшак миниб тоққа кўтарилиб, қандай юмуш бўлса бажарардик. Уйга етиб келгун-

ча усти бошимиз музлаб қоларди. Эрта баҳорда ўтказган дарахтларимизни кеч қузгача болаларимиздек парваришлардик. Эҳтиёжимизга зарур бўлган нарсаларни харид қилиш учун туман марказига боришга бир кунимиз кетарди.

Мана шундай ёруғ ва саодатли кунларни ҳам кўриш насиб этди. Энди қаранг, ҳар бир уйда қолган, трактор, мол-ҳол дегандай, ҳамма шароит етарли. Одамлар ҳам бир-бирига меҳрибон, оқибатли. Қадрдон синглимиз Умидахоннинг ота-онаси билан қирқ йилдан зиёд қўшни бўлиб яшадик. Барака топгур, бирим кўли очик тадбиркори, ҳар доим савоб ишларга бош-қош, ота-онасига торган, ҳаммага меҳрибон, иссиқ-совуқ кунларимизда кўмақдош.

— Қишлоғимиз туман марказидан ҳисоблаганда қирқ қақирим узоқ-

ликда жойлашган, — дейди Умида Гофурова. — Оддийгина озиқ-овқат маҳсулотларини олиб келиш учун шунча йўл босишимизга тўғри келарди. Ҳамқишлоқларимизнинг савдога бўлган талабини ўрганиб чиқдим ва беш йил аввал яқка тартибда тадбиркорлик билан шуғуллана бошладим. Мақсадим, халқнинг узоғини яқин қилиш эди. Ниҳоят, уйимиз этагидаги ташландиқ ерни оила аъзоларимиз билан тозалаб, кичик дўкон қурдик, атрофини обод қилиб, харидорлар учун соя-салқин жойга ўриндиқлар ўрнатдик. Ҳозирги кунда дўконимизда озиқ-овқат ва полиз маҳсулотлари сотиляпти. Кўпчиликдан раҳмат эшитяпмиз.

Бир нафас баланд тоғларга термиллиб қолган суҳбатдошимиз яна жўшиб, ўзи туғилиб ўсган гўшани мактаб кетди:

— Қишлоғимиз юртимиздаги энг сўлим ва хушманзара жойлардан бири ҳисобланади. Биз яшаётган кўчанинг Сарабоғ деб аталиши ҳам беҳиз эмас. Ҳамиша табиат билан ҳамнафасмиз. Шундан бўлса керак, ҳар бир дарахтга меҳримиз бўлакча. Ахир она замин бизга тоғу тошлар орасида шундай инъомни тортиқ этиб, шароитлар яратиб берибди-ку, уни севмай бўладими? Бугун ўтказган ниҳоллар, қилган ҳар бир амалимиз эртанинг эгалари — фарзандларимиз учун-да. Шулар учун яшаяпмиз, бахтини, саодатини кўриш насиб этсин.

Нигора ҲУРОЛОВА,
“Оила ва жамият” муҳбири.

Ўзбекистон халқ устаси Сирожиддин Раҳматуллаевнинг ижоди билан яқиндан танишиш истагида унинг Эшонгузардаги устахонасига йўл олдим. Ичкарига киришим билан ҳовлида ўсиб ётган садарайҳон, жамбил каби ноёб турдаги райҳонларга, атиргул, лола, гулбеор, геран каби анвойи гулларга кўзим тушди-ю, Сирожиддин аканинг нафақат кўли, балки кўнгли ҳам гул эканлигига ишондим.

Ҳаёти шарафли, умри ибратли!

Зангиота туманида яшовчи Рихситилла ака ва Кундуз опаларнинг хонадонига 12 фарзанднинг тўртинчиси бўлиб 1953 йили дунёга келган Сирожиддин ака болалигидан тасвирий санъатга меҳр қўйиб, қўлда қалам, дилда эзгу орзулар билан вояга ета бошлади. Унда расм чизишга бўлган кучли иштиёқни сезган отаси оқ фотиҳа берди. Сирожиддин 22 ёшида республика расмчилик билим юртининг «Ёғоч ўймакорлиги» бўлимида тўрт йил таҳсил олиб, устози, Ўзбекистон халқ рассоми, академик Ортиқ Файзуллаевдан хунара ўрганди. Ўз касбини севиб, ёғочга гул битган Сирожиддин ака 50 ёшида Ўзбекистон халқ устаси деган улугъ эътирофга сазовор бўлиб, айни пайтда бири-биридан зукко шогирдларни эл хизматида камарбаста қилиб тарбияламоқда.

Сирожиддин ака ҳар йили «Vazat Ag» хунарамандлар кўргазмасида, Ўзбекистон Бадий академиясининг «Санъат ҳафталиги»да муносиб иштирок этади. Ҳозирги кунда «Usto» бирлашмасининг «Шарқона сайқал» бўлимида фаолият юритмоқда.

Хотира жонланса гўзал!

— Музейлардаги ёғоч ўймакорлиги буюмларини томоша қила туриб, бу ишлар қандай бажарилган экан, деб ўз-ўзимга савол берардим, — дейди Сирожиддин ака. — Тўрт йиллик таҳсил жараёнида эса, ана шу саволларга жавоб топдим. Ёғочга ўйиб буюм ишладан олдин унинг шакли-шамойили, нақшлар услуби қроғозга, кейин ёғочга кўчирилади. Бизнинг миллий нақшларимиз, асосан, геометрия шаклидаги, циркуль услубидаги паргорий бўлиб, ислимий-печаксимон ўсимликлардан, табиатдан олинади.

Бизда тош давриддан буён ёғоч ўймакорлиги мавжуд. Бу халқ амалий санъати Тошкент, Самарқанд, Хоразм, Бухоро ва водийда кенг ривожланган. Бирор буюм яратишда ёнғоқ, чинор, қайрағоч, ўрик, нок ва кўктерак каби маҳаллий дарахлардан фойдаланамиз. Ҳеч қачон мева солиб турган дарахларни кесмаймиз, аксинча, ҳосил бермай қўйган ёғочларни топиб олиб келишадим. Усталик даражасига етишимизда устозим Ортиқ

ЎЗБЕКНИНГ УСТА ЎҒЛИ



Файзуллаевнинг ҳиссаси катта. У жуда меҳнатқаш ва талабчан инсон. Ҳозирда саксондан ошган Ортиқ ака Тошкент ёғоч ўймакорлиги мактаби асосчиларидан. Устоз иккимиз юртимиз мустақилликка эришгандан сўнг Президентимиз ташаббуси билан бунёд этилган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси биноси (1996-2011 й.й), Имом ал-Бухорий, Нақшбандий меъмори мажмуалари, Мустақиллик майдонидаги «Хотира ва қадрлаш» мажмуаси, «Шаҳидлар хибони», «Мовий гўлбазлар» чойхонаси, «Ҳазрати Имом» мемориал мажмуаси, «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройи, «Маърифат» маркази каби қўлаб иншоотларда ёғоч ўймакорлиги ишлари билан қатнашганмиз. Ҳозирги кунда йигирмадан ортиқ шогирдим бор. Катта ўғлим Камолиддин ҳам ота касбини давом эттираяпти.

Сирдарёнинг садаф-чиганокларидан нақш гулларига жило беришда фойдаланаяпман. Бу янгилик яхши натижа бераёпти. Бу садафлар кечаси ўзидан нур таратади. Чиганоклардан аввал мусиқа асбобларини ясашда фойдаланилган. Эндиликда эса, ундан ёғоч ўймакорлиги ишларида фойдаланишни йўлга қўйдим. Касбимга вақт етказса олмаётгандекман. Қилишим керак бўлган ишлар кўпайгандек. Кўпроқ ислимий нақшлар бўйича ишлайман. Бир ишимни бошқа такрорламасликка ҳаракат қиламан.

Дунё билан бўйлашиб

Аввал четга чиқиш фақат орзу эди. Давлатимиз мустақилликка эришгач, 1994 йили Малайзияга бир ойлик кўргазмага, яна шу йили Мирзо Улугбек бобомизнинг таваллуди муносабати билан Парижда ташкиллаштирилган икки ҳафталик кўргазмага бордим. 2005 йили эса Париждаги Ўзбекистон элчихонасининг ўймакаши билан беساب келдик. 2010 йили Япониянинг Нара шаҳри 1300 йиллигига бағишланган фестивалда ҳам иштирок этдим. 2009 йили Малайзиядаги Куала Лампур шаҳрида ама-

лий санъат йўналиши бўйича икки ой муддатда маҳаллий ўқитувчиларга дарс бердим. Уларнинг нақшлари Европа нақшларига ўхшаб кетар, яна Малайзия ёғочлари қизил бўларкан. Кутубхонага кириб, у ердаги мавжуд 50 хил ёғочдан 25 хил ўймага яроқли эканлигини аниқладим.

Бу касб эркакларнинг иши. Шунга қарамай, Малайзияда 70 фоиз аёллар бу касб билан шуғулланишар экан. Шу касб орқасидан Франция, Германия, Польша, Малайзия, араб давлатларидаги кўргазмаларда қатнашдим. Айниқса, Европада бўлганимда улар хунаримиз оғир қўл меҳнатидан иборат бўлишига қарамай, кичкина дастгоҳда ҳам мўъжизалар яратиш мумкинлигига қойил қолиб, тан беришди. Кўргазмаларнинг ташкил қилиниши биз учун катта рағбат ва юқори қўққига чиқишимизга ёрдам бўлди.

Тинчликдан афзалроқ неъмат йўқ

Бизнинг меҳнатларимиз юртимиздаги тинчликнинг меваси, деб биламан. Шу боис, авлоддан авлодга ўтайдиган, ўлмас мерос бўлиб қоладиган ишлар яратиш ниятидаман. Ўз юртимизда меҳнатимга яраша муносиб баҳо оляпман. Ёғоч ўймакорлиги 70-йилларда жуда орқада эди. Устозлар ёрдамида қайта тикладик. Хорижга чиққан пайларим юртимизнинг ҳам улардагидек тараққий этишини орзу қилганман. Ҳозир-чи, энг ривожланган давлатлар билан ҳар бир соҳада тенглашяпмиз, айрим ютуқларимиз билан ҳатто улардан ўзиб ҳам кетдик.

Болалар ва болалик

Ҳозирги болалар, ёшлар тайёр пишган ошнинг ичиди юришибди. Ҳамма нарсага имконияти бор. Бизнинг болалигимизда битта дафтар сотиб олиш қийин эди. Ўйинчоқ машиналарни ўйнашни орзу қилганмиз. Шунга қарамай, дарс тайёрламасдан мактабга чиқмас, ҳар бир

Боқий мерос

вазифани астойдил бажарардим. Болалик катта эътиборни талаб қиладиган давр. Минг таассуфки, баъзи отоналар тирикчиликни рўқач қилиб, ўз боласини қаровсиз қолдириб, кейин пушаймон қилиб юрибди. Кўзни каттароқ очайлик. Тарбияда ҳам, таълимда ҳам кечикиб бўлмайди!

Шогирдлар тақдирига жавобгарлик

Ота-онам қизиқшимни қўллаб-қувватлагани боис бугунги муваффақиятларга эришдим. Аммо кўп ёшларнинг ўзи хохлаётган ишни қилолмай, ота-она мажбурияти билан касб танлаганини кўрдим. Ота-она, энг аввало, боласининг саволларига жавоб бера олиши керак. Устахонага 14-15 ёшдаги болалар ота-оналари билан келишади. Уларнинг бу касбга иштиёқи бор-йўқлиги 1-2 ойда билинади. Баъзилари умуман қизиқмайди. Агар ҳар бир бола ёғоч ўймакорлигига бир фоиз бўлсаям қизиқса, уни 100 фоизга етказиш менинг бурчим.

Шогирдларимга нақш чишидан, буюм битиунгача бўлган жараёни миридан-сиригача ўргатаман. Кейин бошқа усталар назаридан ўтгач, фотиҳа берилади. Қанча вақтда етук уста бўлиш уларнинг маҳоратига боғлиқ. Улар 3-4 йилда ҳам, икки йилда ҳам етук уста бўлиши мумкин.

Абдулла Жамилов, Миркомил Турдиқуллов, Аваз Маҳаматов, Зафаржон Бобоёров, Олимжон Халилов каби шогирдларим бор. Зафаржон Бобоёров Қашқадарё вилоятининг Нишон туманидан келиб хунара ўрганапти. У ёқда уста деярли йўқ. Эшитишимча, Китоб туманида биргина киши бор экан.

«Интилганга толе ёр», «Яхши ният — ярим давлат» деб шунга айтишса керак-да. 2013 йилнинг 22 августи Сирожиддин ака ва шогирдлари учун қувончли кун сифатида тарихий муҳрланди. Ёш авлодни миллий анъаналар руҳида тарбиялаш, уларга анъанавий санъатимиз турларидан бўлган ёғоч ўймакорлигининг сир-асрорларини ўргатиш мақсадида «IJO» Ўзбекистон рассомлари, санъатшунослари ва халқ усталари уюшмаси Ўзбекистон халқ устаси Сирожиддин Раҳматуллаевга «Ўймакор» студиясини очиб берди.

Ўзбекистон Бадий Академияси ҳамда «IJO» уюшмалари аъзоси, Дилфуза, Дилдора ва Камолиддиннинг сеvimли отажониси, Фотима опадек бахтли аёлнинг умр йўлдоши, шогирдларнинг жонкуяр устози, невараларнинг меҳрибон бобоси, ўзбекнинг доврўгли устаси ҳақида сизга ҳикоя қилиб бермоқчи бўлганларимиз шулар эди.

Назира БОЙМУРОВА,
«Оила ва жамият»
муҳбири.



ПОЛАПОН — тилимизда дастлаб қуш боласига нисбатан «полапон» сўзи қўлланилган, кейинчалик бу сўз рамзий маънода одам боласига нисбатан ҳам ишлатила бошлаган. Ундаги «пола» сўзи «бола» эканлиги сўзнинг шаклидан кўришиб турибди, яъни бу сўз «полапон» шаклида бўлган. «Полапон» сўзидаги «пон» қўшимчаси қандай маънони англатиши ҳақида луғатларда аниқ маълумотлар айтилмаган.

БАЛИҚ — балиқнинг сув жонивори эканини ҳаммамиз яхши биламиз. Лекин бу сўзнинг бошқа маънолари ҳам бор. Қадимда девор, фишт девор билан ўралган қалъа, девор билан ўралган шаҳар ҳам «балиқ» сўзи билан ифодаланган. Масалан, «Бешбалиқ», «Бойбалиқ» деган жой номлари бор. Тилимизда бу сўзга яқин «балчиқ» деган сўз ҳам бор. Бу сўзларнинг туб илдизи бўлган «бал» сўзи асли «лой» деган маънони англатган. Яна баъзи манбаларда «сув жонивори» мазмунини билдирган «балиқ» сўзи «ярқираш» маъносидаги «балқ» сўзидан келиб чиққан деган тахминлар ҳам бор.

ҚАРАҒАЙ — игнабарғли, майда тўнғиз ёнғоқли, тик, доимо яшил дарах тилимизда қарағай деб аталади. Бу сўз жуда қадимий сўз. Баъзи манбаларда «қарағай» сўзининг пайдо бўлишига «қора» сўзи асос бўлган дейилади. Яна бошқа манбаларда эса, «қарағай» сўзининг «қара» қисми «қуруқ шох» деган маънони англатади дейилади.

У қопчигининг оғзини очиб, хатларни қарағай тагига ағдарди.

Иброҳим Раҳим

Эшқобил ШУКУР
тайёрлади.

Ушбу мавзуга оидлик кiritиш мақсадида Тошкент шаҳридаги Ҳамза туманига қарашли 31-оилавий поликлиника гинекология бўлими бошлиғи, акушер-гинеколог Ниғора Курбонова билан суҳбатда бўлди.

— Тажрибали мутахассис сифатида юқоридаги каби ҳолатларга қандай изоҳ берасиз?

— Афсуски, бундай локайдликлар кўп бўлмаса-да, онда-сонда учраб туради. Бунинг олдини олиш учун худудлар, маҳаллаларга шифокорларни бириктириб қўйганмиз. Улар ҳафтада бир марта ўзларига қарашли жойларда тушунтириш ишлари олиб боришади. Хонадонларга бирма-бир кириб, аҳоли саломатлигини назорат қилишади.

Шу ўринда яна бир нарсани айтиб ўтишни истардим: Ўзбекистондаги барча ҳомиладор аёллар, қайси вилоятдан бўлишидан қатъи назар, ўзи яшаб турган худуддаги поликлиникадан рўйхатдан ўтишга ҳақли. Айни пайтда яшаётган маҳалласидан маълумотнома олиб келсин, у ҳам бўлмаса, ўзи келиб, “Мен ҳомиладорман, рўйхатда турмоқчиман”, деса, шифокорлар унга йўл-йўриқ кўрсатишади. Лекин вақтида скрининг, доплер сингари текширувлардан ўтмаслик, нафақат бола, балки онанинг соғлиғига ҳам жиддий хавф туғдириши мумкин. Ҳозирги вақтда аҳолининг тиббий маданияти анча ўсди. Лекин шунга қарамай, айрим аёллар ҳалиям эскича қарашлардан воз кечишолмаяпти.

Ҳомиладор аёлларга шифокор томонидан тавсия этилаётган доридармон воситалари кўплаб тажриба ва синовлардан ўтган, она ва бола учун безарар воситалардир. Уларнинг асосини турли витаминлар: темир, кальций, йод, магний ва бошқалар ташкил этади. Ҳозирги экология аввалгидан тубдан фарқ қилади. Айни пайтда ҳомиладор аёл организми учун зарур бўлган витаминларни табиий равишда тўплаши (яъни озик-овқат, мева-чева, гўшт ва сут маҳсулотларини истеъмол қилиши) қийин. Шу билан бирга, барча оилаларда ҳам шароит бир хил эмас. Ана шундай жиҳатларни эътиборга олиб, уларга турли витаминлар тўпламини тавсия этамиз. Бу витамин ва дориларнинг она ва бола саломатлиғига ҳеч қандай зарари йўқ, аксинча фойдалидир.

— Туғруққа қадар ҳомиладор аёлларда ўтказиладиган текширувлардан кўзланган асосий мақсад нима?

— Туғруққа қадар перинатал текшириш ҳомиладорнинг ривожланиши ҳамда унинг соғлиғини аниқлашга имкон беради. Туғруққа қадар текши-

Гулсала Қодирова билан шифокор ҳузурда учрашиб қолдик. Ҳомиласи етти ойлик бўлаганидан сўнг поликлиникага рўйхатдан ўтгани чиққан экан. Унинг аҳволи бир мунча оғир эди. “Нега шифокор кўригидан ўтишга аввалроқ ҳаракат қилмагансиз, бепарволик ҳомилангиз учун хавф туғдириши мумкин эди-ку”, деб сўрасам, у оғриқлар бўлаганини, лекин барчасига чидаганини, чунки Тошкентдаги яшаш жойидан рўйхатдан ўтмагани учун поликлиникада уни қабул қилмасликларидан хавотирланганини айтди. Гулсаланинг қайнонаси эса бу ҳолатга “Биз ҳам дўхтир нималигини билмай, нечтасини туққанмиз. Худонинг кўзи ўнг бўлса, эсон-омон қутулиб олади”, деган фикрни билдирди.

Фарзандларнинг соғлом туғилиши учун онанинг саломатлиги жуда муҳим. Бу борада ёшларни, ҳали гўр, тажрибаси йўқ, деса бўлади. Бироқ кўпни кўрган, ўзлари айтганларидек, бир неча фарзандни вояга етказган онахонинг бу сўзлари бизни ўйлантириб қўйди. Наҳотки, илгариги замон билан ҳозирни қийслаб бўлса? Юртимизда аҳоли саломатлигини таъминлаш учун барча шарт-шароитлар мавжуд. Ҳар қадамда шифохоналар, ҳатто энг чекка қишлоқларда ҳам намунали ҚВП лар фаолият кўрсатмоқда, оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом фарзандлар туғилиши учун яратилаётган ана шундай имкониятлардан фойдаланмаслик, олдимиздан оққан сувнинг қадрига етмаслик эмасми?

ТЎҚҚИЗ ОЙЛИК СИНОВ

ёхуд бўлгуси оналарга айрим маслаҳатлар

рувнинг мақсади — ҳомила соғлиғини аниқлаш, агар унинг ривожланишида нуқсон бўлса, керакли муолажани тавсия этиш ва ўтказишдан иборат.

Ҳомиладорларда ҳомиладорнинг ривожланиш нуқсонини ва ирсий касалликларнинг олдини олиш бўйича текширувлар қўйидаги тартибда ўтказилади: дастлаб ҳомиладор аёл ҳомиладорликнинг 14 ҳафтасигача яшаш манзили бўйича поликлиникада рўйхатда туриши керак. Агар шифокор ҳомила соғлиғига таъсир кўрсатувчи омилни аниқласа, бўлгуси онага скрининг марказида II босқич тек-

ширувдан ўтишга йўлланма беради. Марказда ҳомиладорликнинг 16-20 ҳафталарида ультратовуш ва биохимиявий скрининг текширувлари ўтказилади. Бунда аёл қонида махсус биокимёвий маркерлар (альфафетопротеин (АФП) ва хорион гонадотропин (ХГ) микдори аниқланади. Агар ҳомиладорда нуқсонли бола туғилиши кузатилса, ҳомиладор тўхтатиш тавсия этилади.

— Аёл зоти шундоғам ниҳоятда нозик хилқат. Ҳомиладор хотин эса икки ҳисса нозиклашади, дейишади...

— Албатта, ҳомиладорликда аёллар жудаям таъсирчан, нозик бўлиб қолади. Бу ҳол, айниқса, ёш келинларнинг илк ҳомиладорлик даврида кўпроқ кузатилади. Чунки улар қайнона-қайнонага янги келин, умр йўлдошига янги ёр...



Долзарб мавзу

Хуллас, ўз уйдан бегона жойга мослашув даври ҳомиладорлик билан бирга кечганида бу ҳол янада яққолроқ кўзга ташланади. Қайнона-қайнонанинг хизматини қилиш, эрининг кўнглини олиш ва булардан ортиб, вақтида овқатланиш, зарур пайтда ҳордиқ чиқаришга имкон бўлмайди. Имкон топилганда ҳам ёш келин ийманани, хижолат бўлади. Шундай пайтларда биз уларга тўғри маслаҳат бериб, керак бўлса, қайноналарини чақиртириб ёки уйларига бориб, суҳбатлар ўтказамиз.

Поликлиникамизда 8246 нафар фертил (19-49) ёшдаги аёллар рўйхатда туради. Шулардан 254 нафари ҳомиладор аёллар бўлиб, уларнинг ҳар бири билан яқка тартибда шугулланамиз. Ҳомиладор аёллар билан ишлаш мураккаб бўлиши билан бирга, жуда завқли жараён ҳамдир. Худди богбон ўзи эккан дарахтнинг ҳосилини кўрганда қувонганидек, биз ҳам тўққиз ой мобайнида ўз назоратимизда улғайиб, дунёга келган жажжи чақалоқни кўриб, барча машаққатларни унутамиз.

— Бўлажак оналарга шифокор сифатида қандай маслаҳат берасиз?

— Оила — бу муқаддас даргоҳ бўлса, фарзандлар унинг кўрки, инсон ҳаётининг ширин меваларидир. Ҳар бир аёл ўз соғлиғига ва зурриётига эътиборли бўлсагина, фарзанди ҳам ақлан, ҳам жисмонан соғлом туғилади. Бу гапни ҳаммамиз биламиз, аммо баъзан амал қилмаймиз. Лекин бугунги давр, янгиланиш ва юксалишлар ҳар томонлама етук ва баркамол авлодлар тарбиясини талаб этмоқда. Барча ота-оналар бу борада бирдек масъул бўлиб, болалар соғлиғи ҳақида қайғуришса, қайнона-қайноналар эса келинлари саломатлигидан бохабар бўлиб, уларни тиббий назоратига эътиборли бўлсалар, ўйламанки, мақсадимизга янада тез ва самаралироқ эришган бўлардик.

Келажагимиз баркамол фарзандлар қўлида экан, уларнинг соғлом дунёга келиши учун, биринчи навбатда, оналаримиз, шунингдек, шифокорлар масъулдирлар. Ўз соғлиғига лоқайд она, нафақат ўзи, балки фарзандининг тақдирига ҳам эътиборсиз қараган ҳисобланади. Вақтида шифокор назоратидан ўтмаган, ўзбошимчилик билан турли дори воситаларини қабул қилган аёл эрта бир кун фарзанди нуқсон билан туғилганини кўриб, ўз қилмишидан чунонам афсусланадики... Лекин сўнги афсусланадиган наф йўқ. Чунки вақтни орқага қайтариб бўлмайди.

Зарина РАҲМОНОВА,
«Оила ва жамият» муҳбири.

РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА

«ЎКТАМХОН-НУР» ўқув маркази

қуйидаги ўқув курсларига таклиф этади:

Тикувчилик — 3 ой.
Тўй ва оқшом либослари — 1-2 ой.
Аёллар костюм-шимми, плаш-пальто — 1-2 ой.
Ҳашира — 6 ой. 4 ойи ўқиш, 2 ойи амалиёт.
Ҳашира (тезкор) — 3-4 ой (амалиёти билан).
Тиббий массаж — 3 ой.
Торт ва пишириқлар — 2 ой.
Олий торт безатиш курси — 1 ой.
Уйғур, Европа таом ва салатлари — 2 ой.
Жаҳон таомлари — 2 ой.
Аёллар сартарошлиғи — 3 ой.
Тўй ва оқшом турмақлари ва макияж — 1 ой.
Бухгалтерия ҳисоби — 3 ой.
Элита парда ва чойшаблар тикиши — 1 ой.

Элита парда ва чойшаблар тикиш олий курси — 1 ой.
Бичиш-тиқиш, моделлаштириш ва малака ошириш — 1 ой.
Сартарошлик — 2-3 ой (ўғал болалар учун).
Тирнок, киприк ўстириш ва дипелляция - 1 ой
Каштачилик — 3 ой (машинада вышивка). Тўқувчилик — 3 ой.
Инглиз тили — 3 ой, рус тили — 3 ой, турк тили — 3 ой, корейс тили — 3 ой.
Бисер, яъни мунчоқ тикиш — 2 ой.
Декоратив гул яшаш — 1 ой. Сарпо қути ва саватлар яшаш — 1 ой
Бисердан гуллар, дарахтлар яшаш — 2 ой.
Карвинг (мева ва सबзавотлардан композиция яшаш) — 3 ой.
Компьютер сабоқлари — 2 ой, Интернет — 1 ой.

Барчаси амалиёти билан. Ётоқхона мавжуд.

Ўқишни тугатганларга ДИПЛОМ берилади.

МАНЗИЛ: Юнусобод тумани 3-мавзё 1-уй 31-хона.

МУЎЛЖАЛ: Юнусобод деҳқон бозори бош тарафи орқасида.

Тел: (8 371) 221-17-95, 221-77-72, +99894 678-50-30 225-97-93 (18⁰⁰ дан 22⁰⁰ гача).

ФИЛИАЛ МАНЗИЛИ: Ҳамза тумани Фарғона йули кўчаси 4-уй 40-хона. МУЎЛЖАЛ: Қўйлик киним бозори рўпарасида. ТЕЛ: (8371) 295-97-82, +99894 678-50-30 (кундузи)

ЭЪЛОН!

«Natali-stroy-servis» масъуляти чекланган жамияти ТУГАТИЛАДИ.

Даъволар 2 ой муддатда қабул қилинади.

Тел: +99890 372-83-61.

Тошкент вилояти ер ва кўчмас мулк кадастри Қибрай туман бўлими томонидан Байтқўрғон Қ.Ф.Й.да яшовчи Хотамов Рустам Ахатович номига берилган №Ҳо-3086 рақамли уй ҳужжати, уй дафтари ҳамда Қибрай туман ИИБ томонидан 2013 йилда берилган биометрик паспорт йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Адабиёт дарси бошланган эди ҳамки, синф эшиги очилиб, котиба Азиза опа мўралади:

— Зулфия Обидовна, сизни директор хонасига чақиряпсиз.

Муаллима янги дарсга зўр иштиёқ билан тайёрланган шекилли, ҳафсаласи пир бўлгандек бир зум тараддулланиб турди-да:

— Болалар, бугун “Фарҳод ва Ширин” дostonи ҳақида сўхбатлашамиз. Шу мавзунан ўйлаб туринглар. Мен ҳозир келаман, — дея эшикка йўналди.

“Фарҳод ва Ширин” деган жумлани эшитиб, бутун синф келишиб олгандек менга қаради. Ҳамнинг нигоҳида истеҳзо. Нимага десангиз, исми Ширин. Айниқса фақат аъло баҳога ўқийдиган синф боши Латофат лабларини буриб кўйганини пайқадим. Унинг нигоҳларидан “Бунинг нимаси Ширинга ўхшайди”, деган ифодани сезиб олиш қийин эмасди. Устачилик билан шуғулланадиган дадам, уй юмушларидан ортмайдиган, болаларига ақалли биттагина эртак айтиб беришга вақт тополмаган муштираманам “Фарҳод ва Ширин” дostonини ўқигани, йўқми — буни билмадим. Билганим шуки, оиладаги бош фарзад бўлиб дунёга келганимда, мени бир овоздан Ширин деб аташган. Тўғри, Ширин каби зукко эмасман. Боз устига баҳоларим ҳам ўртача. Шунинг учун баъзи кизларга ўхшаб катта кетиб, қўқайиб юриш менга мутлақо бегона.

Албатта, ҳамма ўспиринлар каби биз ҳам севги-муҳаббат ҳақидаги пичир-пичирларга бегона эмасмиз. Қизлар йигитлардан хат олишади. Журъатлироқлари жавоб ҳам ёзишади. Шубҳасиз, энг кўп хат олган қиз — Латофат. Синфдошимнинг бундан гурурланганини биламан. Айни чоғда у менга лабларини буриб қараб турарди. Унга бир ўкрайиб олдим, мутолагага зўр бергандек, дарслик билан юзларимни тўсдим. Шу пайт Зулфия Обидовнанинг антроқ овози эшитилди:

— Кир, ўғлим, киравер, ҳозир сени янги синфдошларинг билан таништираман.

Муаллима ҳали синфга кирмай туриб, бутун синф учун муҳим бўлган янгиликни етказишга улгурган эди. Ўттиз нафар ўспирин қизиқиб билан муаллиманинг ёнидаги бўйчан, қошқўзлари қоп-қора йигитчага қараб турардик.

— Танишинглар, бу йигитчанинг исми Фарҳод. Фарҳод Умаров!

Ҳаёлига келган гапни дарҳол айтишга одатланган Қаҳрамон пичинг қилди:

— Ол-а, Ширинимиз бор эди, энди Фарҳод ҳам пайдо бўлди. Янги дoston ёзмази шекилли.

Кулги кўтарилди. Қизлар орқасига ўтирилиб, алланималарни муҳокама қилишга тушиб кетишди. Яхшиям, Зулфия Обидовна бизнинг бунақа одатларимизга кўникиб қолган. Шу боис пинагини бузмай, янги синфдошимизга бир қур назар ташлаб:

— Қандай дoston ёзиш ўзингизга ҳавола! Ишонаманки, бу дostonда жанжалли вазиятлар бўлмайди, — деди.

Шундан сўнг Зулфия Обидовнанинг қатъий билан айтилган янги синфдошимизга “ўтириб ол” деб қўйди. Бугун Латофатнинг ёнида ўтирадиган, унга соядек эргашиб юрадиган Фурқат дарсга келмаган эди. Фарҳод Латофатнинг ёнига ўтирди. Назаримда Латофат бундан янада гурурлангандек туюлди. У елкаси оша менга қаради. Чиройли кўзлари сузилаб, кулиб қўйди: “Ширин бўлсанг ўзингга, Фарҳод менинг ёнимга ўтирди”.

Зулфия Обидовна эса дарсга бутун

вужуди билан шўнғиб кетган, “Фарҳод ва Ширин” дostonининг тафсиолағлари ҳақида берилиб ҳикоя қиларди:

— Фарҳод чинакам ошиқ бўлибгина қолмай, юксак инсонийлик тимсоли. Йигитлар ундан ўрнат олиши, унга ўхшашга интилиши керак.

— Фарҳодлар дostonларда қолган. Унга ўхшаганларни ҳаётда топиб бўлмайди, — луқма ташлади Нафиса.

— Хулоса чиқаришга шошилма, Нафиса, — беозор танбехлади муаллима.

— Навойидек даҳолар ҳам

МУҲАББАТ САБОҚЛАРИ



қаҳрамонларини ҳаётдан олган. Фарҳодлар ҳаётда бўлмаганида, бундай дostonлар яратилмасди. Сизлар улғайиб қолдингиз. Энди чин муҳаббат нима эканлигини тушуниб олишингиз керак. Кейинги дарсда муҳаббат ҳақидаги фикрларингизни ёзиб келинглар.

Муаллиманимиз жуда аломат-да. Дарс ўтиш услуби бошқаларга ўхшамайди. Биз билан худди тенгдошларидек гаплашади. Синфда қайси йигит қайси қизни ёқтиришини яхши билса-да, бошқа муаллималарга ўхшаб жеркимайди. Аксинча, дарс жараёнида асл муҳаббат қандай бўлиши кераклигини ҳақидаги хулосаларини ҳам қистириб ўтади.

Кечки овқатдан кейин эринибгина китобларимни varaқлар эканман, эртага яна адабиёт дарси борлиги ёдимга тушди. Дарслигимни олдим. “Муҳаббат ҳақида нима ёзсам экан”, деб ўйладим. Адабиёт дарслигида Навойининг дostonи жуда қисқартириб берилган. Дostonни қаердан топсам бўлар экан?

Ўйлашиб ўтирсам, хонага онам кирди:

— Китобга кўмилиб олдингми? Уй ишларига ёрдамлашворсанг-чи?

Истамайгина кўзгалдим:

— Нима қилай?

— Эртага Розия холаи бешик тўй беради. Қатламасини пишириб беринг деяпти. Чордоқдаги идишда сариеғ турди. Шунга олиб тушинг.

Нарвонни олиб чордоққа чиқдим. Чордоқнинг шифтини ис босган. Тахта-ёғоч бўлақлари дейсизми, миҳ дейсизми, сим арқон дейсизми, хулоса, анқонинг уруғидан бўлак ҳамма нарса бор. Онам айтган идиш чордоқнинг тўрида экан. Уни олиб, оёқ остидаги лаш-лушларга қоқила-суқила ортага қайта бошладим. Бир маҳал идиш бир нарсага қаттиқ урилди. Чўчиб тушдим. Гира-шира ёруғда эски сандиқчага кўзим тушди. Сариеғ тўла идишни четга қўйдим. Сандиқчининг қопқоғи устини чанг босган, у гўё бир асрдан бери шу чордоқда турганга ўхшайди. Қизиқиб қолқоқни кўтардим. Шу он хазинага дуч келган қароқчи қолатида эдим.

Чунки сандиқнинг ичи китобга тўла эди. Йигирматача бадий китоб.. Ким учундир бу арзмаган миқдор бўлиши мумкин. Лекин бизнинг уйимизда, бадий китоблар ҳақида гап-сўз бўлмайдиган, одатий турмуш ташвишлари хукмрон муҳитда бу қутилмаган воқеа эди. “Бу китобларни ким ўқиган экан-а? Онам ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Кўлига китоб олишга вақти йўқ. Наҳотки, дадам ўқиган бўлса?”

Ўз-ўзимга хаёлан савол бериб, чанг босган китобларнинг хеч

тўрт мисрани дафтаримга кўчириб олдим. Бироз иккиланиб, байтни қандай тушунганимни ҳам ёзиб қўйдим.

Биринчи соат адабиёт эди. “Нима бўлса ҳам, муаллима мендан уй вази-фасини сўраб қолмасин-да”, деган ўйда ҳадиксираб ўтирардим.

Зулфия Обидовна негадир одатдагидек кириш сўзидан воз кечди. Саломлашиб, жойига ўтирди-ю, уй вази-фасини сўрай бошлади. Аълочи Латофат қўл кўтариб турарди. Муаллиманинг ишораси билан у ёзганларини ўқий бошлади: “Муҳаббат, бу — илоҳий туйғу. Донишмандлардан бири муҳаббатни, руҳан бир-бирига яқин бўлган икки инсоннинг биргаликда завқланишидир, деб ёзган.”

Зулфия Обидовна унинг сўзини бўлди:

— Яхши, лекин “Фарҳод ва Ширин” даги муҳаббат ҳақида қандай фикрдасан? Ўзинг муҳаббатни қандай тушунасан?

Латофат одобли қизлар каби елка қисди:

— Билмасам.

— Билш керак. Бу айб эмас.

Чунки ўзаро ҳурмат, бир-бирини тушуниш каби фазилаатлар ҳам муҳаббат туфайли пайдо бўлади. Майли, ўтир. Дostonни ўқимабсан. Демак, бошқалар ҳам китобни қўлга олиб кўришмаган. Латофат бу сафар беш олишга кўзи етмагандек, бўшашиб жойига ўтирди.

Зулфия Обидовнанинг парталар оралиб юриб, дафтарларни кузатадиган одати бор. Ҳозир у

нақ рўпарамда турарди. Беихтиёр дафтаримни кафтим билан беркитдим. У майин қўллари билан кафтимни суриб, мисраларни ўқиди. Хижолатдан қизариб, муаллиммага қарадим. Унинг таниш нигоҳлари ҳайрат ва меҳр билан кулиб турарди. Зулфия Обидовна дафтаримни олиб, баралла ўқий бошлади:

— *Кўеш машуку ҳар зот ўлди ошиқ,
Дема ҳар зот, заррот ўлди ошиқ,
Негин ошиқни ўртар*

*шайни машуку,
Чу ошиқ мунда келди айни машуку.*

Табийки, муаллима менинг хулосаларимни ҳам ўқиб берди. Қўрққанымдек, синфда кулгу эшитилмади. Тақдирга танма бериб, бошимни кўтарганимда, ҳамма менга қараб турарди. Лекин ҳеч кимнинг, ҳатто марғур Латофатнинг нигоҳларида ҳам истеҳзо кўрмадим. Зулфия Обидовнанинг ўктам овози сукунатни бузди:

— Кундалигингни олиб кел, баҳонг беш!

Бу менинг адабиётдан олган биринчи «беш»им эди. Негадир биринчи «беш»дан кўра, синфдошларимнинг менга муносабати бирдан ўзгарганидан кўпроқ хурсанд эдим. Танаффусга кўнғироқ чапиниши билан ҳамма мендан дафтаримни бериб туришимни сўрай бошлади. Каловланиб қолганимдан ҳеч нарса демай бош ирадим. Бир пайт қарасам, синфда Фарҳод икки миздан бошқа ҳеч ким қолмабди. У ёнимга келиб, бақувват кафтини парта устига қўйди:

— Агар рози бўлсанг, сен билан дўст бўламиз. Нима дейсан?

Шу пайтгача ўғил болалар у ёқда турсин, ҳатто қизлардан ҳам тузукроқ дутонам йўқ эди. Лекин Фарҳоднинг тақлифини рад этолмадим. Чунки унинг кўзларидан дўстона бир қувонч порлаб турар, хаёлимда эса Навойининг “Дема ҳар зот, заррот ўлди ошиқ” деган мисраси тинимсиз чарх урарди.

**Муборак РУСТАМОВА,
ЖИДУ қошидаги
академик лицей ўқувчиси.**



ШОВҚИНДАН САҚЛАНИНГ!

Катта шаҳарнинг шовқин-сурони-га кўникиб қолганмиз, дейди шаҳарликлар. Аммо, кейинги пайтларда мунтазам шовқин-суронлар сабабли асаб касалликлари авж олиши, қон босимининг ошиши, сезги қобилиятини йўқотиш каби касалликлар кўп кузатилмоқда. Тунги сукунатда шовқинлар узоқ-узоқларга етиб боради. Масалан, самолёт товуши 40 км.гача, трамвай ва поезд тарқ-туруқла-



ри 4-5 км.гача, автомашиналар ҳаракати 2 км.гача, от тўёгининг тақиллаши эса 500 метргача етиб борар экан.

Кундузи, асосан, сунъий шовқинлар таралиб туради ва улар маълум даражагача саломатликка зиён етказмайди. Ҳар нарсада меъёр бор. Секун товуш 40, ўрта товуш 50 децибелга тенг. Шу ўлчамдаги шовқинлар секин ва ўрта товушлар ҳисобланади. Мусиқа ва ашула инсон қулоғига ёқади. Товушлар кучи ва уларнинг йиғиндиси 60-80 децибелдан ошиб кетса, одам безовта-ланади.



Кучли шовқин гуллар ўсишини 47 фоизга камайтиради. Бир тажрибада гул кўчати поезд йўли яқинида 100 децибелл кучдаги шовқин «ўқи»га экилади. У ўн кун ўтгандан кейин сўлиб қолади. Кучи 90 децибеллгача етадиган товушлар кишининг кўзларига ҳам салбий таъсир қилиб, кўриш қобилиятининг 25 фоизгача камайишига сабаб бўларкан. 130 децибеллик шовқин кишини муқаррар касал қилади.

Инсон қулоқлари турлича эшитади. Шу боис эшитиш ҳодисасини ҳам онгли равишда бошқариш мумкин. Суҳбатдош жуда тез, тушунарсиз гапир бошласа, ўнг қулоқни у томонга қаратган маъқул. Чунки ўнг қулоқ бундай ҳолатни чапига нисбатан тез ажрата олади. Мусиқани эса чап қулоқ билан тинглаган маъқул. Чап қулоқ энг секин эшитиладиган товушни ҳам тез қабул қилади. Ҳар қандай мусиқани мириқиб эшитиш имконини беради. Дарс жабраёнда ўқитувчидан кўз узмай, маърузани диққат билан тинглаган талаба кўрган ва эшитганларининг 90 фоизини ўзлаштиради.

Наргиза СИДДИҚОВА
тайёрлади.

ҲАР ЕРНИ ОРЗУ ҚИЛИБ ...

Олий ўқув юртини битиргач, дугоналарининг маслаҳатига кўра, тўкин-сочин яшаш истагида интернетдаги ижтимоий сайтлардан бирига сўровнома юбориб, ўзимдан 20 ёш катта хорижлик эркек билан танишдим. Муносабатларимиз жиддий тус олиб, шаръий никоҳ орқали турмуш қурдик. Тўйдан сўнг у мени ўзи билан олиб кетди. "Катта корхона раҳбариман, истаган шароитингни яратиб бераман, маликалардек ҳаёт кечирасан", деганди. Кейин билсам, у оддий иш юритувчи экан. Устига-устак оилали. Рафиқаси билан беварзандлиги туфайли менга уйланган, уларга фақат бола керак экан. Ҳомилалдор бўлгач, режаларини сезиб қолиб, юртимга қайтиб келдим. Фарзандим туғилгач, "Уни менга бер", деб кўп бора илтимос қилди. Аммо кўнамадим. Уч йилдан буён ундан на хат, на хабар бор. Машойхларимиз, "Ҳар ерни қилма орзу, ҳар ерда бор тошу тарози", деб бежиз айтишмаган экан. Бу мақоланинг мағзини эртарақ чаққанимда, балки ҳаётим яхшироқ кечаримиди?

Ёшим 35 да. Бўйим 1,68 см. Олий маълумотлиман. Фарзандимга меҳр бера оладиган, мен каби турмушнинг паст-баланд кўчаларида қийналган 45 ёшгача бўлган инсон учраса, у билан ҳаётимни билламоқчиман.

МЕХРИНСО,
Хоразм вилояти.

МУЧАЛИ ҲАМ МОС КЕЛСА

— Алло, ассалому алайкум, тахририятми?

— Ҳа, эшитамиз.

— Мен Жиззахдан кўнғироқ қиялман. Исмин Фулом. **Ёшим 46 да.** Ўтган ойда сизларга ҳужжатларимни юборгандим. Рафиқам билан ажрашганимиз. Бир нафар қизим бор. У онаси билан яшайди.

— Адашмасак, сизга жиццаҳлик Нодира, самарқандлик Жумагул, тошкентлик Шарофат исмли аёлларнинг телефон рақамларини бергандик, шундайми?

— Ҳа, улар билан суҳбатлашдим. Афсус, учаласининг ҳам мучали менга тўғри келмади. Куён йилида туғилган аёллар билан характеримиз мос келади. 38 ёшгача бўлган, уйим-жойим дейдиган қуён, тўнғиз мучалидаги турмуши бузилган, бир нафар фарзанди бор аёллар бўлса, овоз берсин.



Бахтли бўлинг

Тагин мени иримчи экан, деб ўйланманг. Касбим дурадгор бўлса-да, ёшлигимдан бадий китоблар ўқишга қизиқман. Бир оилани гуллатиб-яшатишимга ишонаман.

ФУЛОМ,
Жиззах вилояти.

ТҶЙ ТҶЙГА УЛАНДИ

Қизим Назоқат уч ёшида зинадан йиқилиб тушиб, чап оёғидан оғир жароҳат олганди. Шифокорлар операция

ТАХРИРИЯТДАН:

«Бахтли бўлинг» рўқнига хат йўллаётган ёки бевосита мурожаат қилаётган фуқаролар паспорт нусхаси ва яшаш жойидан (махалла кўмитасидан) маълумотнома тақдим этишлари шарт. Шунингдек, ажрашганлар бўлса, суд қарорининг нусхасини топширишлари талаб этилади.

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 234-25-46

қилишди. Аммо оқсоқланиб юрадиган бўлиб қолди. Ўзи интилувчан. Институтда ўқиди. Мактабда ўқитувчилик қилади. Ҳамкасбларидан бири қизимнинг ҳужжатларини тахририятга юборган экан. Кўп ўтмай, тахририят орқали тақдири ўзига ўхшаш йигит билан танишишди. Яқинда Ҳасан-Хусан фарзандлари дунёга келди. Қизим илгари сира очилиб-сочилиб гаплашмас, доим қовоғи солиқ, тунд бир аҳволда юрарди. Турмушга қинқач, буткул ўзгариб, хушчақчақ бўлиб қолди. Эгизак невараларимнинг бешиқ тўйларини ўтказдик. Қизимнинг бахти очилишида ёрдам берганимиз учун сизларга катта раҳмат.

ХАЙРИНСО ая,
Самарқанд вилояти.

МУХЛИС ТИЛАГИ

Газета дўконидан «Оила ва жамият»ни сотиб олган заҳоти дарров «Бахтли бўлинг» рўқини ўқиб чиқаман. У ердаги ранг-баранг мақола-лар, юртдошларимиз тақдирдан ҳикоя қилувчи лавҳалар мени ўйлантириб қўяди. Масалан, газетанинг 36-сонида «Ҳаёт ким ошди савдосими?» номли мақолада 69 ёшли Умрбек отанинг дил изҳорини ўқиб, орамизда Каримадек юлғич, бировларнинг ҳисоби-га яшовчи аёллар борлигидан хафа бўлдим. Бухоро вилоятида яшовчи Ҳулкархон номидан битилган «Уч кундан сўнг тўй» мақоласини ўқиб эса тахририят ходимларининг меҳнатлари зое кетмаётганидан қувондим.

Машаққатли ҳамда масъулиятли ишларингизда сизларга омад тилайман.

Ўқтамжон ХОЛДОРОВ,
Тошкент вилояти.

ТабиаТ — дорихона

ДҶЛАНА

Оқ, пушти рангда гуллаб, турига қараб сариқ, қизил тусли мева бўлиб етишадиган хушбўй ва хуш таъмли дўлана июнь ойда гуллаб, сентябрь ойда пишади. Тоғли жойларда ўсадиган дўланадан толиқиш, ақлий хорғинлик, уйқусизлик, юрак атрофида оғриқ пайдо бўлганида даво сифатида фойдаланилади.



Таркибида қанд, ёғ, флавоноидлар, ошловчи моддалар, каротин, С витамини, органик кислоталар мавжуд, гулида эса 0,16 гр. яқин эфир мойи бор. Бизда дўлананинг бешта тури бўлиб, улар ўлкамизнинг деярли барча тоғли туманларида денгиз сатҳидан 1000-2600 метр баландликдаги майда шалли қияликларда яқка-яқка, тўп-тўп бўлиб ўсади.

Ибн Сино дўлананинг гули, барги ва мевасини асабни тинчлантирувчи, тиришишдан холи қилувчи, юракка дармон бағишловчи малҳам сифатида истеъмол қилишни тавсия этган. Бундан ташқари, дўлананинг гули ва мевасини юрак мушаклари зарарланганда ҳамда қон айланиши фаолияти бузилганда, айниқса, кексалар учун фойдалигини исботлаган. Шунингдек, меваси ич кетишига қарши восита сифатида қўлланган.

20 гр. дўланани чойнакка солиб, устидан 200 гр. қайноқ сув қуйиб, паст оловда 15 дақиқа қайнатилди. Ушбу қайнатма чой ўрнида асабни тинчлантириш учун ичилади. Унинг гулларида қайнатма тайёрлаш учун 2 ош қошиқ қури-тилган дўлана гули устига бир стакан қайноқ сув солинади. Сўнг паст оловда 10 дақиқа қайнатилди. Қайнатма совитилгач, до-қада сузилиб, 2 ош қошиқдан кунига уч марта уйқусизликда, толиққанда ичилса қони фойда.

Латофат САЪДУЛЛАЕВА тайёрлади.

Фойдали МАСЛАХАТЛАР

Агар сизни тез-тез жигилдон қайнаши безовта қилса, ҳар куни наҳорда тузсиз, ёғсиз ва шакарсиз гречи-ха бўтқасини истеъмол қилинг.

Тор ва оғир бош кийимлар бош терисини сиқиб, соч тўқилишини кучайтиради.

Ҳозирда турли матолар, тўр ва тошлардан ясалган зирақлар урфга кирган. Айниқса, куз мавсумида кийимларингизга мосини танлаб тақсангиз, янада дидли ва гўзал кўринасиз.

Ари қаққан жойга эҳтиёткорлик билан лимон бўлакчаси ишқаланса, заҳар ичкирига тарқалишининг олди олинади ва тери йирингламайди.

Мутахассисларнинг фикрича, ҳафтасига уч кун 40 дақиқа давомида сузиш, гимнастика, велосипед ҳайдаш, ҳеч бўлмаганда тоза ҳавода сайр қилиш ҳам умрни узайтиради экан.

Ҳар бир бека меҳмон кутаётганда дид билан кийиниб, пардоз қилиб олгани маъқул. Чунки меҳмонлар энг аввал унга, сўнг унга ва дастурхонга разм солишади.

Тухум пўчоғини майда туйиб тайёрланган кукун аллергияга қарши энг яхши даво воситаси ҳисобланади.

Гулноза БОБОЕВА тайёрлади.

ЎЗИМИЗНИКИДАН ҚЎЙМАСИН!

Хозирги ўзбек қизларининг кийиниши, юриш-туриши ва кўча-кўйда ўзини тутишидан нолиб, кексаларимиз нукул илгариги қизларни ибрат қилиб кўрсатишади. Бобо-бувиларимиз оғзидан бол томиб: "Аваллиги қизларнинг сочи товонини ўпган, атлас кўйлаклари дўппиларда ял-ял ёниб, юзлари ҳаёдан қизарган, ибю андишада тенгсиз маллақар бўлган. Улар ҳатто остона хатлаб кўчага чиқишга ҳам ийманиб, сув тугаганда челақларини дарвоза олди-га чиқариб қўйишган", дейишади. Бу таърифи эшитгач, хозир эртадан-кечга кафе-ресторанларда, истироҳат боғларида, бозорларда, қўйинги, ҳамма жойда дайдиб-тентираб юрган қизларни кўриб, ҳафсалангиз пир бўлади. Тор шимлар, калта-култа, очик-сочиқ либосларда юзига турли бўёқларни чаглаб олган бундай "но-занин"лар ўзбек қизи деган номга иснод келтиришмаяптими ахир?

Бир оилани саранжом-саришта килгудек бўйи етган қизини кўнадан уйга киргизолмай ҳалак бўлаётган ота-оналарни кўриб, ҳақиқатан ҳам, қиз боланинг тарбияси қилин масала эканлигига ишонч ҳосил қиламиз. Шу билан бирга аёлнинг жамиятдаги, оиладаги ўрни ҳам аввалгидан анча ўзгарган. Қизларнинг "уйда ўтириши" ҳақидаги ақида эскирган. Ўқиб, ишлаб, спорт мусобақаларида катта-катта ютуқларни кўлга киритаётган ва

уйдаги юмушларини ҳам қойиллатиб эплаётган қизларимизни кўрганда "Қандингизни уринг", деймиз.

Ўзбек хонадонларида оиладаги ҳар бир ҳолат уй бекасининг ва шу уйда ўсатган қизларнинг диди, таъби, орасталиги ёки бесаранжомлигини кўрсатувчи ойна ҳисобланади. Оддийгина ювилмаган идиш ёки йиғиштирилмаган уй ҳам қиз ва онанинг обрўсини тўқайди...

"Гул ҳам ўз бандида тургандагина гўзал", дейдилар. Айрим қизларимиз йигитлар билан тенгхуқуқлилик талаб қилиб, муомала-муносабатларда кўполлашиб бораётгани ҳам рост. Қўнгли тусабди, майли, замонавий кийинсин, машиналарда юрсин, лекин қизлик нафосатини унутмасин-да.

Қизлар бирор таом тайёрласа, унга меҳрини қўшиб тортиқ этади, шунинг учун ҳам овқатлари тотли бўлади, дейишади. Аммо хозир айрим қизларнинг овқат тайёрлаш у ёқда турсин, оддий тухум пишириши ҳам эплай олмайётганига нима дейсиз?.. Кўчадаги ошхоналари ресторанларда овқатланишни одат қилиб олган бундай қизлар эрта бир кун хонадон бекаси бўлганида фарзандларига ўз кўллари билан таом пишириб бера олармикан?

Тўғри, хозир замон шиддат билан ривожланмоқда. Дунёда глобаллашув жараёни кечмоқда. Жаҳондаги турли маданиятлари тиллар бир-бирига таъ-

сир кўрсатаётгани ҳеч кимга сир эмас. Шундай бўлса-да, иймони бут, қалби миллий қадриятлар булоғидан сув ичган, эътиқоди мустаҳкам халқ ҳеч қачон ўзлигидан узоқлашмайди. Ҳиндистонда қизлар ҳамини миллий либослари — сарида намоён бўлишади. Улар бизнинг зар атлас ёки адрасимизни кийиб юришмайди. Хўш, нега энди бизнинг қизлар мода деб, Европанинг алламбало йиртиқ-ямоқ шимлари-ю, калталигидан нигоҳлар уладиган кофтларни кўзга суртиб кийишади? Турмуш тарзида ҳам Фарбга тақлид қилишади.

Фарбда аёлу эркалар (ҳатто бир жинс вакиллари)нинг бугун турмуш қуриб, эртага ажрашиб кетавериши одат тусига кирган. Садоқат, меҳроқибат, оила сингари муқаддас тушуналлар унчалик аҳамиятга эга эмас. Чунки уларда ағоизм — худбинлик, индивидуализм, ўз манфаатларини ҳаммадан устун қўйиш, ўз "мен"ига махлиёлик авжга чиққан. Шарқ эса "Ўзингни ўйлаб, бошқаларга ҳам зарар етказма", ақидасига амал қилади. Шу маънода Фарб маданияти, умуман, бизнинг менталитетимизга тўғри келмайди. Айни лаҳзада қайсидир қандайдир айтилган "Ўзимизникидан қўймасин", деган ҳазиломуз жумла кўнглимдан кечди. Ҳа, нима бўлганда ҳам юзидан ҳаё-ибо тараладиган фариштамисол ўзбек қизларимиздан қўймасин-да... Нима дедингиз?..

Зарина АЛИШЕР қизи.

ХОРИЖЛИККА ТУРМУШГА ЧИҚМОҚЧИМИСИЗ?

Бир жияним хорижлик фуқарога турмушга чиқмоқчи. Уларнинг расмий никохи республикамизда қандай тартибда қайд этилади?

Н. Хўжакулов

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар билан тузилган никоҳларини қайд этиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси, Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 22 апрелдаги 171-сон қарори билан тасдиқланган Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қоидалари ва 2003 йил 25 августдаги 365-сон қарори билан тасдиқланган Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш тўғрисидаги низоом, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш (ФХДЁ) органларида иш юритиш тартиби ҳақидаги йўриқнома (рўйхат рақами 1564, 2006 йил 22 апрель) ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари билан белгиланган.

Никоҳларни қайд этиш никоҳланувчи шахслардан бирининг ашаш жойидаги, шунингдек, ота-онасининг ёки улардан бирининг яшаш жойидаги ФХДЁ органлари томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

Чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахснинг никоҳга кириш ҳақидаги аризасига унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжати нусхаси ва таржимаси, никоҳда турмаслик ҳақидаги, яъни оилавий аҳволини тасдиқловчи ҳамда илгари никоҳда бўлмаган шахсининг аввалги никоҳи бекор қилинганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар белгиланган тартибда легализация қилинган ёки апостиль қўйилган ҳолда илова қилиниши керак.

Чет эллик фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикасида вақтинча яшаш жойидаги марказий поликлиникадан тиббий кўриқдан ўтишлари лозим.

Саволга Тошкент шаҳар 1-сонли Никоҳ уйи мудири Саида ИСМАИЛОВА жавоб берди.

ЎҚИТУВЧИ ҚАЧОН ПЕНСИЯГА ЧИҚАДИ?

Опам 31 йилдан буён педагогика соҳасида ишлайди. 25 йилки, бир мактабда ўқувчиларга сабоқ беради. Ёши 52 да. Тўрт нафар фарзанди бор. У киши амалдаги қонунларга мувофиқ, имтиёзли равишда нафақага чиқиш ҳуқуқига эгам?

Насиба Муҳаммадиева,
Нишон тумани.

Маълумки, мамлакатимизда пенсия муносабатлари Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2009 йил 30 декабрдаги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 майдаги "Имтиёзли шартларда пенсияга чиқиш ҳуқуқини берувчи ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичларнинг рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори ва бошқа қонуности ҳужжатларига мувофиқ тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 3 сентябрдаги "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ, ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқига эркалар 60 ёшга тўлганда ва иш стажлари камида 25 йил бўлган тақдирда ва аёллар 55 ёшга тўлганда ва иш стажлари камида 20 йил бўлган тақдирда эга бўладилар. Мазкур қонуннинг 12-моддаси талабларига асосан, сизнинг опангизга юқоридаги ҳолат бўйича умумий белгиланган ёшни бир йилга қисқартирилган ҳолда, яъни аёллар учун белгиланган ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқига 54 ёшдан эга бўлиши мумкин.

Саволга Фарғона вилояти адлия бошқармаси масъул ходими Мирзаабдулла ПАРПИЕВ жавоб берди.



ТРАМПОЛИН. Испаниянинг Вальядолид шаҳрида трамплиннинг батутда сакраш йўналиши бўйича жаҳон кубогининг иккинчи босқичи якунланди. Унда терма жамоами вакиллари Екатерина Хилько ва Анна Каспарян синхрон сакрашда қумуш медални кўлга киритди.

БОКС. Киев шаҳрида ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Элдор Мержанов бронза медалга сазовор бўлди. Иқтидорли боксчиси ярим финалгача бўлган баҳсларда италиялик Самуэль Манцарелани, литваллик Витаутас Балсисни ва грузиялик Георги Кхарабадзени мағлубиятга учратди.

ТЕННИС. Республика олимпия захиралари теннис мактаби кортларида хотин-қизлар ўртасида ўтказилган аънавий "Тошкент опен – 2013" халқаро турнирининг аққалик баҳсларида сербиялик Бояна Йовановский бош совринни кўлга киритди. У финалда беларуслик Ольга Говорцовани 4:6, 7:5, 7:6 ҳисобида мағлубиятга учратди. Жувтликлар ўртасидаги ҳал қилувчи баҳсда қозғистонлик Ярослава Шведова ва венгриялик Тимея Бабош жувтлиги Ольга Говорцова (Беларусь) ва Мэнди Минелла (Люксембург) дуэтини 6:3, 6:3 ҳисобида енгди.

КЛИЧКО ТАЙЁРГАРЛИКНИ БОШЛАДИ

Sport.ru сайтининг хабар беришича, боксининг IBF, IBO, WBO ва WBA йўналиши бўйича ўта оғир вазндаги жаҳон чемпиони украиналик Владимир Кличко чемпионликни ҳимоя қилиш учун бўладиган жангга тайёргарликни бошлаб юборди.



Бу ҳақда боксчининг ўзи facebookда хабар бериб, машгулот жараёни ақс этган расмини ҳам жойлаштирган.

Унинг рақиби россиялик таниқли боксчи Александр Поветкин саналади.

Александр эса тайёргарликни ўн кун олдин бошлаган эди. Эслатиб ўтаимиз, чемпионлик жанги 5 октябрь куни Москвадаги «Олимпийский» спорт аренасида бўлиб ўтади.


Интернет манбалари асосида И. ЖУМАНОВ тайёрлади.

Муассаслар: Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш» ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси

Тахририятга келган кўлёмалар муаллифларга қайтарилмайди. Реклама материаллари мазмунини учун тахририят жавобгар эмас.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти – 15:00. Босишга топширилди – 15:00

E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz



Бош муҳаррир:
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Навбатчи муҳаррир — Ҳамроҳон МУСУРМОҶОВА

Саҳифаловчи — Илҳом ЖУМАНОВ

Мусахҳиҳлар — Саидгана САЙДАЛИМОВ,
Гулноза БОБОЕВА

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент – 100000. Амир Темурут кўчаси
1-тор кўча, 2-уй. Мўлжал: Олой бозори ёнида

Web-site: oila-va-jamiyat.uz